

Қорақалпоғистон Республикаси

АНЖУМАН

Сурхондарё вилояти

ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИҚДА БАНКЛАРНИНГ ЎРНИ

НУКУСДА БАНК-МОЛИЯ ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ БОРАСИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЛАРИ, ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ФАРМОН ВА ҚАРОРЛАРИ ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНГАН ЎҚУВ-СЕМИНАР БЎЛИБ ЎТДИ.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати, Марказий банк ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Марказий банкнинг Қорақалпоғистон Республикаси Бош бошқармаси, Адлия вазирлиги, Давлат солиқ, Статистика қўмиталари, Савдо-саноат палатаси бошқармалари, тижорат банклари вакиллари туман ва шаҳар ҳокимлари ўринбосарлари ҳамда тадбиркорлар иштирок этишди.

Мувофиқ такомиллаштириш, тадбиркорларнинг банк кредитларидан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш, аҳолининг банкларга бўлган ишончини янада кучайтириш борасида кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида қатор ҳудудий дастурлар қабул қилиниб, ўтган йили тижорат банклари кредитлари ҳисобидан 194,1 миллиард сўмлик 595 та ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилди.

Ўтган йили тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 208,5 миллиард сўм миқдорда кредитлар ажратилиб, шунинг ҳисобидан 15 мингдан зиёд янги иш ўрни ташкил этилди. 2012 йилда касб-хунар коллежлари битирувчиларига тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун 1,7 миллиард сўмдан зиёд,

яъни 2011 йилга нисбатан икки баробар кўпроқ кредит маблағлари ажратилди. Тадбирда банк тизимини ислоҳ қилишга доир сўнгги қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, давлатимиз раҳбарининг фармон ва қарорлари мазмун-моҳияти, банк хизматларидан фойдаланишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига амалдаги қонун ҳужжатларига асосан яратилган шарт-шароитлар, берилган имтиёзлар юзасидан тушунчалар берилди. Семинар иштирокчилари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Давуд АБИДУЛЛАЕВ, "Qishloq hayoti" муҳбири.

Президентимизнинг "Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилиш янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони зиммаларидаги масъулиятни янада оширди. Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмаси, унинг вилоят, туманларидаги қўйи тизимлари тугатилиши, улар ўрнида Фермерлар кенгашларининг ташкил этилиши ишга бўлган муносабатни тубдан ўзгартирди. Шундан сўнг Фермерлар кенгашлари ва маҳаллий ҳокимликлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар, фермер хўжаликларини ривожлантиришда моддий ресурслар таъминотини (минерал ўғитлар, нефть маҳсулотлари, сифатли уруқлик, сув таъминоти ва бошқа масалаларини) ҳал этишда маҳаллий ҳокимликларнинг вазифалари, мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимини белгилаб олдиқ.

ЯНГИЧА ЁНДАШУВ ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ



Абдусалом НУРИДДИНОВ, Сурхондарё вилояти Фермерлар кенгаши раиси, Олтинсой туманидаги "Нуриддин" фермер хўжалиги раҳбари.

Айтганда, вилоятимизда асаларичилик фермер хўжаликлари сони бир баробарга кўпайиб, 100 тага етиши кўзда тутилмоқда. Фермер хўжалигимизда ҳам ишни бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда ташкил этилмоқда. Дастлаб 10 гектар майдонда иш бошлана бошласан, бугунги кунга келиб ер майдонимиз 63 гектарга етди. Биргина 2012 йилда 17 гектар майдонда пахтанинг "Наманган-77" навидан 42 центнердан ҳосил олдиқ. Фалланинг "Крошка", "Денов" навларидан 58 центнердан хирмон кўтардик.

2013 йилдаги режаларимиз янада катта. 18 гектар майдонда пахтанинг "Бешқарамон" намини экиб, 45 центнердан хирмон кўтаришни кўзлабтизим. Чунки ушбу нав сувсизликка чидамли бўлиб, обихаёт танки бўлган йилда ҳам қутилган натижани беради. Шунингдек, 17 гектар майдонда фалланинг "Денов", "Омад" навларини парвартириш қилишимиз. Деҳқонларимиз узум, мева, боғлардан ҳам мўл ҳосил олишни мўлжалламоқдалар. 15 гектар майдондаги тоқзор, боғлар парвартириш ўз вақтида олиб борилмоқда.

Техника паркимизни замонавий механизмлар билан мустаҳкамлашга алоҳида эътибор бераймиз. Лизинг асосида ҳайдов трактори харид қилмоқчимиз. 50 сотих ерда иссиқхона барпо этиб, лимонзор яратишни, 3 гектар майдонга беҳи қўчатлари экишни мўлжаллаётимиз. Бу билан фермер хўжалигимизда ишчилар сони 22 нафарга кўпайиб, 50 нафарга етади. Хулоса ўрнида шуну айтиш мумкинки, Ўртобшумиз Фармонида қўйилган вазифалар ижроси Фермерлар кенгашлари фаолияти орқали фермерликни тубдан такомиллаштириш, уларни янада ривожлантириш имконини беради. Қишлоққа саноатни олиб кириб, янги иш ўринлари яратишда мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилади.

УСТУВОР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

(Боши 1-саҳифада)

Бандлик дастурига мувофиқ 65 миң 955 иш ўрни яратилди. Уларнинг 58 миң 894 таси қишлоқ ҳойларга тўғри келди. Касб-хунар коллежларини битирган 37 миң нафардан ортиқ ёшларнинг бандлиги таъминланди. Йил давомида 798,9 миң квадрат метр уй-жой қурилди. Ийгилишда ўтган йили йўл қўйилган камчиликларга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, саноат ишлаб чиқариш имкониятларидан етарли даражада фойдаланилмаётир. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, чинни буюмлар, чарм-поябзал, гилам ишлаб чиқариш корхоналари суғуртасиз ривожланмоқда. Бойсун, Сарисий, Ангор, Олтинсой туманларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ташкил этишда суғурталанишга йўл қўйилмаётир. Жарқўрғон, Бойсун,

Кизирик, Сарисий туманларида маиший хизмат кўрсатиш соҳасидаги ишлар талабга жавоб бермайди. Ташқи ва ички туризмни кенг ривожлантириш учун катта салоҳиятга эга воҳада сайёҳлик хизмати кўрсатиш талаб даражасида эмас. Ийгилишда, қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қуриш, йўл-транспорт ва коммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш, янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш, касб-хунар коллежлари битирувчиларини мутахассислиги бўйича ишга жойлаштиришда мутахассис раҳбарлар масъулиятини янада ошириш масалалари атрофида муҳокама этилди. Мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан амалий чора-тадбирлар белгиланди.

ЎЗА

Қашқадарё вилояти

КИЧИК БИЗНЕС КАТТА ЙЎЛГА ЧИҚДИ

Қарши шаҳрида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг саноат салоҳиятига бағишланган тақдимот-кўргазмаси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг Қашқадарё вилояти бошқармаси томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда юртимиз ҳамда хорижий фирма ва компанияларнинг вакиллари, вилоят прокуратураси, адлия, солиқ, боғжона бошқармалари мутахассислари, банк ходимлари иштирок этишди. Тадбирда иштирок этган аксарият чет эл фирма ва компанияларнинг вакиллари ўз технологияли линиялари ҳақида батафсил маълумотлар бериш билан бирга мазкур асбоб-ускуналар ёрдамида амалга оширилаётган ишлар, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар кўргазмаларини ҳам ташкил қилишди. Кўргазмада паррандачиликни ривожлантириш учун зарур замонавий технологиялар тақ-

дим этган Украинанинг "Техна" ишлаб чиқариш бирлашмаси вакили мазкур компаниянинг "Шўртангазимё" мажмуаси билан қилаётган ҳамкорлиги ҳақида маълумот берган бўлса, Россиянинг "Восход" ОАЖ мутахассиси воҳадаги нон ва қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектлари билан йўлга қўйилган алоқалар хусусида тўхтади. Анжуманда, шунингдек, "Ўзбек-Хитой савдо уйи", "AIS Tehno group", "Tnstai" каби бир қатор хорижий компаниялар вакиллари ўз тақдимотлари билан иштирок этишиб, вилоят тадбиркорлари билан юртимиз саноатини юксалтиришга хизмат қиладиган келишувлар имзолашди.

Хусан ТЕМИРОВ

Навоий вилояти

СОЛИҚ ҚОНУНЧИЛИГИГА БАҒИШЛАНДИ

Навоий шаҳридаги "Фарҳод" маданият саройида солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари ҳамда мамлакатимиз солиқ қонунчилигига асосий ўзгариш ва қўшимчалар киритиш муносабати билан кўргазмали семинар бўлиб ўтди. Унда давлат солиқ, молия, адлия, боғжона, статистика ва иқтисодийёт бошқармалари, Савдо-саноат палатаси масъул ходимлари ҳамда тадбиркорлик субъектлари вакиллари иштирок этишди.

Тадбирда мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодийётни ривожлантириш ва модернизация қилишни рағбатлантириш, хўжалик субъектлари ва аҳоли учун солиқ юқини исчи равишда қамқатириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилашга қаратилган сиёсат юқори макронийсиёсий кўрсаткичларга эришиш ҳамда давлат бюджетининг муваффақиятли бажарилишини таъминлашга хизмат қилаётганлиги алоҳида таъкидланди. Аҳоли даромадлари ва харид қобилиятини ошириш мақсадида 1 январь-

дан бошлаб жисмоний шахслар билан олинадиган даромад солигининг қуйи шаласи бўйича солиқ ставкаси 9 фоиздан 8 фоизга туширилганлиги, унинг қўланиш тартиблари ҳақида тушунчалар берилди. Тадбир давомида иштирокчилар Ўзбекистон Республикасининг солиқ тизимига оид қонун ҳужжатлари ҳамда Солиқ кодексига киритилган бир қатор ўзгариш ва қўшимчалар, соҳа янгиликлари билан таништирилди. Тадбир сўнггида тадбиркор ва ишбилармонлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олишди.

Абдурашул САТТОРОВ

Наманган вилояти



ВАТАН ҚИМОЯСИ – МУҚАДДАС БУРЧ

САРА ЙИГИТЛАР – АРМИЯ САФИГА

Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йил 28 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг мuddатли ҳарбий хизматга навбатдаги қакируви ҳамда белгиланган хизмат мuddатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида"ги Қарорига биноан танлов асосида ҳар томонлама саралаб олинган йигитларни мuddатли ҳарбий хизматга тантанали кузатиш маросимлари бўлиб ўтмоқда.

Наманганда ўтказилган шундай тантанали тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, фахрийлар ҳамда қақирлувчиларнинг ота-оналари иштирок этди. Маросимда Юртбошимиз раҳнамолигида Қуролли Кучлар тизимида амалга оширилаётган ислохотлар самарасида илҳам, ҳаракатчан ва салоҳиятли миллий армиямиз шакллангани ва унинг моддий-техника базаси, шахсий таркиби, жанговар тайёрланиши янада мустаҳкамлини бораётганлиги таъкидланди. Ҳарбий хизматга тайёргарлик жараёнида тест синовларини топширишда коллежда олган bilimларим қўл келди, – дейди Учқўрғон туманидан ҳарбий хизматга қақирлувчи Ҳабибулло Абдужали-

лов. – Бугун ҳарбий либос кийиб, Ватан қимоячиси деган шарафли ва масъулиятли бурчинг нақадар шарафли эканлигини янада теран ҳис этдим. Юртбошимиз раҳнамолигида шакллантирилган ҳар томонлама мукамал миллий армиямиз сафига киришинг ўзи mening дунёқарашимда катта ижобий ўзгариш ясади. Ишонаманки, армия мен учун катта ҳаёт мактаби бўлади.

Маросимда санъаткорларнинг концерт дастурлари намойиш этилди. Тадбирда Наманган вилояти ҳққими Б.Юсупов сўзга чиқди. А.САТТОРОВ, ЎЗА муҳбири. Хотам МАМАДАЛИЕВ (ЎЗА) олган сурат.

Бухоро вилояти

МАҲСУЛОТ СИФАТИ ДАРОМАДГА КАРОСАТ

Бухоро "Қорақўл" бирлашмаси тизимида 9 та ширкат хўжалиги мавжуд бўлиб, уларнинг аксарияти тегишли илмий муассасалар билан ҳамкорликда наслчилик йўналишида иш олиб боради. Бундан кўзланган мақсад Бухоро қорақўлининг мавқеини жаҳон бозорига янги боқичга олиб чиқиш, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш орқали ширкат хўжаликларининг иқтисодийётини мустаҳкамлашдир. Бирлашмада ҳар икки йўналишда ҳам қўлга киритилаётган ютуқлар мақтовга аризулик. Рақамларга эътибор қаратсак, бу борадаги фикримиз янада ойдинлашади.

Бугун бирлашма тизимидаги ширкат хўжаликларидан 140 миң бошдан зиёд қўйлар бўлиб, уларнинг 100 миң бошдан зиёдидини она қўйлар ташкил қилади. Ўтган йилда чорва моллари бош сони 5 миң бошдан зиёдга, она қўйлар эса 6 миң бошдан зиёдга кўпайган. Ўтган йили ширкат хўжаликларидан гўшт, жун ва юқори сифатли қорақўл терилари ишлаб чиқариш ҳажми ортди. Етиштирилаётган маҳсулотларнинг сифат даражаси юқори бўлишига алоҳида эътибор қаратилаётгани эса уларнинг харид нархи юқори бўлишига хизмат қилмоқда. Бу ижобий кўрсаткичлар замирида юқорида таъкидлаганимиздек, бирлашма раҳбар ва мутахассисларининг тинимсиз изланишлари ҳамда чорвадорларнинг ўз касбига ўзгача бир меҳр билан ёндашганликлари алоҳида ўрин тутаётди.

Албатта, даромадлар салмоғини ошираётган яна бир қатор йўналишлар хусусида ҳам тўхталиб ўтиш ўринли. Қорақўл қўйларини бўрдоқига боқиб орқали гўшт ишлаб чиқариш ҳамда қўшни вилоятлардаги турдош ширкат хўжаликларига насли қўчқорлар етказиб бериш борасидаги ишлар ҳам ҳозирда асосий даромад манбаига айланган. Бирлашма қошидаги "Зирабод" ширкат хўжалиги асосан қорақўл қўйларини бўрдоқига боқиб иқтисослашган бўлса, наслчилик ширкат хўжаликларидан ҳар йили 1100-1200 бош насли қўчқорлар тайёрланади.



Ўзбекистон қорақўлчилик ва қўл экологияси илмий-тадқиқот институти мутахассислари билан илмий изланиш олиб боради. Жондор туманидаги "Амир Темур" қорақўлчилик-наслчилик ширкат хўжалигида 2009 йилда тилла ва қумуш ранг сур йўналишидаги "Бухорои Шариф" завод типни яратилди.

– Ўзбекистон қорақўлчилик ва қўл экологияси илмий-тадқиқот институти мутахассислари билан илмий изланиш олиб боради. Жондор туманидаги "Амир Темур" қорақўлчилик-наслчилик ширкат хўжалигида 2009 йилда тилла ва қумуш ранг сур йўналишидаги "Бухорои Шариф" завод типни яратилди, – дейди биз билан суҳбатда

бирлашма раиси, тажрибали чорвадор Незмат Мамаризаев. – Ўтган давр мобайнида бирлашма иқтиёридаги мавжуд она қўйларнинг салмақ 80 фоизи юқори навли жун ва қорақўл тери берадиган қўйларга айлантирилгани энг катта ютуғимиздир. Жорий йилда юқорида номи тилга олиб ўтилган институт билан "Қорақўл" қорақўл-

ҚОРАҚЎЛЧИЛИК

чилик-наслчилик ширкат хўжалигимиз раҳбарияти янги тип қорақўл териларини яратиш мақсадида шартнома имзолашган. Бу ҳамкорлик ҳам яқин келажақда ўз самарасини кўрсатади, деган умиддамиз.

Бирлашма раҳбариятининг келгусида ширкат хўжаликларида етиштирилаётган маҳсулотни қайта ишлашни йўлга қўйиш мақсадида янги технология киритиш режалари борлиги айнан шу йўналишда илқ қадамлар ташлангани кишини янада қувонтиради. Мана икки йилдирки, "Қорақўл" ширкат хўжалиги қошида тикув чехи фаолият кўрсатяпти. Бу ерда чўпон-чўликлар учун устки кийим-боши, пойабзал тайёрланади. Табиийки, чехда хўжаликларда етиштирилаётган хомашёдан ҳам кенг фойдаланилади.

Сирасини айтганда, Бухоро "Қорақўл" бирлашмасида давр билан ҳамнафас бўлиб, бозор иқтисодийёт талаблари даражасида қадам ташлаб борасида ишчилар олиб борилмоқда. Етиштирилаётган маҳсулотнинг сифатини ошириш эса ҳар қандай шароитда ҳам даромаднинг салмоғини бўлишини таъминлашга хизмат қилади. Бирлашмада қўлга киритилаётган ижобий кўрсаткичлар бунга мисол бўла олади. Ҳамроз АЛИ, "Qishloq hayoti" муҳбири.

БАНК ДЕҲҚОНГА МАДАДКОР, У ҲАМ БАНКДАН МИННАТДОР



Дунё аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжлари йилдан-йилга ўсиб бораётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Мамлакатимизда аҳолини озиқ-овқат ва мева-сабзавот маҳсулотлари билан барқарор таъминлашда ҳамда шу асосда янги иш жойларини кўпайтириш, уларнинг даромадлари ва фаровонлигини юксалтириш бўйича муҳим ишлар амалга оширилмоқда.

Айниқса, "Агробанк" ОАТБ томонидан бир неча йиллардан буён уруғ, кўчат, мева-сабзавот етиштириш мақсадида аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланишга кўмаклашишга катта эътибор қаратилмоқда.

2012 йил давомида банк томонидан биргина шахсий ёрдамчи хўжаликларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун жами 16 млрд. 542,5 млн. сўм кредит ажратилди. Сармоялар эвазига қишлоқларда истиқомат қилаётган аҳоли ўз шахсий томорқаларидан самарали фойдаланиш учун турли мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш мақсадида уруғ ва минерал ўғитлар харид қилдилар. Шунингдек, икчам иссиқхоналар барпо этишди, паррандчилик ва асаларичиликни ташкил этишди. Айнан шу мақсадлар учун банк томонидан ажратилган кредитлар миқдори белгиланган режага нисбатан 162 фоизга бажарилди.



Ж.Қўлиев, Н.Қўлиева (оғ.)

Таъкидлаб ўтиш керакки, ўтган йили шу мақсадларда 162 та туманда 654 та банк ходимларидан иборат отрядлар тузилди, 508 та автомашинада кўча дўконлар ташкил этилди. Автомашиналарда ташкил этилган кўча дўконлар аҳоли талаб-эҳтиёжидан келиб чи-

қиб, экин уруғ-кўчатлари, биологик ҳамда минерал ўғитлар, кимёвий воситалар, инвентарлар билан тўлиқ таъминланган бўлиб, улар белгиланган графикада асосида фаолият кўрсатди. Бу орқали аҳолига 63,5 минг дона сабзавот ва мева-сабзавот маҳсулотлари, 30 тонна

лари тўғрисида"ги мажлис баёни қабул қилинди. Мазкур мажлис баёнида кўрсатилган вазибалардан келиб чиқиб, Обод турмуш йилида ҳам ўтган йилдагидек илҳом ва самарали иш ташкил этиш мақсадида банк томонидан барча чоратадбирлар ишлаб чиқилди.

у банк филиали жамоасидан миннатдор. Банкнинг ушбу хизматларида Нарпай тумани Беклар қишлоғида истиқомат қилувчи Усмон Номозов хонадони ҳам баҳараманд бўлди. Хонадон соҳибининг сўзларига қараганда 10 сотих шахсий томорқасига банкнинг кўмаги билан 1,1 кг. сабзавот ва 120 кг. картошка уруғи эски ҳамда 15 дона мева-сабзавот кўчатлари ўтказди. Сарфланган харажатлар 1 млн. сўмга яқин бўлиб, олинган даромад 5 млн. сўмни, соф фойда эса 4 млн. сўмни ташкил этди.

Сирасини айтганда, молия муассасасининг сармоялари эвазига деҳқон фермерларимиз манзарали ва мева-сабзавот етиштиришга қўллаётган сархил мева-сабзавотларнинг қиш ва баҳор ойларидан ҳам тўқинлигини таъминлашга эришмоқда. Шу билан бирга, аҳолининг оилавий даромадлари ошиб, фаровонлиги юксалмоқда.

Озод ОЧИЛОВ

Хоразм Вилояти

«ЕР МАЛҲАМИ»НИНГ САМАРАСИ ТўЛА НАМОЁН БўЛМОҚДА

Бу биологик ўғит деҳқончилик ва богдорчиликда кенг қўлланилмоқда

Ҳозирги пайтда ривожланган мамлакатларда биоўғитдан фойдаланган ҳолда экологик тоза қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириб, экспорт қилиш орқали даромадни кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Бойси унинг туپроқни соғломлаштириш, ҳосилдорликни ошириш, ҳосил пишиб етилишини тезлатиш, ҳар хил касаллик ва ҳашаротларга, бегона ўтларга қарши курашиш, шунингдек, тежамкорликка эришишда самараси катта.



Ўзбекистон Фанлар академияси Микробиология институти олимлари томонидан олиб борилган кўп йиллик изланишлар натижасида биологик ўғит — «Ер малҳами» яратилган ва у тобора кенг қўлланилмоқда.

Унга давлат патенти, тегишли идоралар томонидан эса сифат сертификати берилган. Бу препарат дастлаб Урта Чирчиқ, Зангиота, Тўрақўрғон ва бошқа туманларда, Пахтачилик илмий-тадқиқот институтининг Қашқадарё филиали тажриба далаларида пахта, галла, картошка, сабзавот, полиз экинларида синаб кўрилди. «Ер малҳами» қўлланилган далада назоратдаги далага нисбатан ўртача ҳосилдорлик 10-12 центнерга, қовун-тарвуз етиштиришда қўлланилганда қанд моддаси 13-15 фоизга юқори бўлган.

2000 йилда тажрибали муҳандис Фанижон Рўзметов бошчилигида Урганч шаҳрида «Биоўғит ишлаб чиқариш» корхонасини ташкил қилинган. Ушбу йилнинг сўнги чорагида 1200 килограмм биоўғит ишлаб чиқарилиб, ўнлаб хўжаликларда синаб кўрилди. Дастлабки йилларда корхона Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси Амударё тумани фермерлари билан ҳамкорлик қилган бўлса, сўнгги бу ўғит Сирдарё, Жиззах, Самарқанд вилоятлари далаларида қўлланилиб, катта самара берган. Унинг довуругини эшитган сурхондарёлик деҳқонлар ҳам излаб келиб олиб етишмоқда. Хоразм вилоятининг Янгибозор, Богот, Гурлан, Хонқа, Урганч, Қўшқўпир, Жиззах вилоятининг Баҳмал, Самарқанд вилоятининг Булунгур, Жомбой, Урганч, Сирдарё вилоятининг Ховос, Бобўвут туманлари миришкорлари пахта, галла, полиз ва сабзавотчиликда бир неча йиллардан буён биоўғитдан фойдаланиб, юқори ҳосилдорликка эришмоқдалар, биологик тоза маҳсулот етиштирмоқдалар.

«Биоўғит» корхонаси фаолияти билан танишар эканмиз, Фани ака Рўзметов номига келган мактублар диққатимизни тортди.

— Ўтган йили бугдой етиштирилаётган 40 гектар майдоннинг 38 гектарыдаги майсаларни сизнинг тавсиянгиз билан 11 апрелда ОВХ аппарати ёрдамида «Ер малҳами» билан баргидан озиқ-лантириш эдик. Натижада 30 фоиз минерал ўғит тежалди, дон 15-20 кун олдин пишиб етилди ва ҳар гектар майдон ҳисобига 68 центнердан сифатли галла етиштирилиб олди. Назоратдаги дала ҳосилдорлиги аранг 43 центнерга етди. Амалдаги йилда барча экинларга «Ер малҳами» беришни режалаштириб қўйганман, — деб ёзибди Жиззах вилояти Мирзачўл тумани «Абай» сув истеъ-



моилчилари уюшмаси худудидаги «Муқаш Мухтор» фермер хўжалиғи раҳбари Нисомиддин Пошаев. Унинг ҳамқишлоғи Улаш Нурмонов эса дўл уриб кетган гўзаларга 4-5 кун ўтганидан кейин «Ер малҳами»ни қўллагани ва орадан 10 кун ўтгач, гўзалар ривожига катта ўзгаришлар бўлиб, кузда шартномадаги 25 центнер ўрнига ҳар бир гектар ҳисобига 41 центнердан пахта олганини мамнуният билан таъкидлаган.

Бундан 5 йилча олдин Ховос туманидаги Холмат Нурчаев номи су истеъмоилчилари уюшмаси худудида 6 нафар фермер пахта ва галла етиштиришда «Ер малҳами»дан фойдаланган бўлса, эндиликда улар сони 30 тадан ошиб кетди. Хусусан, «Меҳнатобод бахти», «Наманган», «Озодбек Абдулазизович», «Қўлмомбобо», «Исломобод», «Кўрик» фермер хўжаликларидан кейинги йилларда пахта ҳосилдорлиги аввалги йиллардагига нисбатан 12 центнер ошган. Бобўвут туманидаги «Бобўвут-1» сув истеъмоилчилари уюшмаси худудидаги фермерлар «Ер малҳами»ни картошкачиликда қўллаб, ҳосилдорликни одатдагидан 20 центнерга оширишга муваффақ бўлганлар.

Сурхондарё вилояти Шеробод туманилик Ашур ака Расулов биоўғит билан парваришланган анорнинг ҳар бир донаси 1 килограммдан тош босган, ширдорлиги ошган. Расул ақанинг бу йилда 400 туп анор дарахти бўлиб, бу йил «Ер малҳами»ни барча мева-дарехтлар ва экинларига бериш ниятида экан.

Богот туманидаги Эгамберганд Саидов бошқараётган «Солай, Ортиқ Саид ўғли» фермер хўжалигининг энг унумсиз 20 гектарлик майдонда «Ер малҳами» билан озиқ-лантирилган пахта ҳосилдорлиги бир йилнинг ўзига 45 центнерга кўтарилган. «Ер малҳами» Гурлан туманида тажриба учун шолчиликда қўлланилганда куйидаги натижа қайд қилинган: шўрхок майдондан 4 гектарлик дала тан-

лаб олиниб, 1 гектардан 4 қисмга бўлинган. Унинг биринчи далага одатдаги усулда, қолган уч далага уруғ «Ер малҳами» билан ишлов берилган ҳолда экинган. Оддатдаги усулда экинган далада уруғ ёнидаги далагага нисбатан 3 кун кейин униб чиққан. Ҳосилдорлик 64 центнерни ташкил қилган. 2, 3, 4-далаларда эса уруғ текис униб чиққан, тулпаш жараёни яхши кечгани боис шולי ўсимлиги бегона ўтлар ўсишига йўл қўймаган, касалликларга чалинмаган. Хар бир далага 600 килограммдан минерал ўғит, 2-далага 12 килограмм, 3-далага 15 килограмм, 4-далага 20 килограммдан «Ер малҳами» берилган. Ҳосил биринчи далага нисбатан 15 кун олдин пишиб етилди. 2-даладан 78, 3-даладан 92, 4-даладан 105 центнердан сифатли шולי йиғиштирилиб олинди.

«Ер малҳами» уруғ унвчанлигини 20-40 фоизга оширади. Усимлик ўсишини 10-15 кунга тезлаштиради, ҳосил сифатини яхшилаيدди. Бир гектар ерга мўлжалланган 60 килограмм чигит «Ер малҳами» билан ивителиб экинганда оддий усулга қараганда 3-4 кун олдин униб чиқади, чигит чирмайди. Ниҳолларни биринчи суғориш «шарбат» усулида амалга оширилиб, «Ер малҳами» қулоқ бошидан махсус мосламалар орқали томчилатиш усулида юборилса, қўсақлар йириклашади, тез очилади. Гўзапоё юқори қисмидаги қўсақ пахта-чи ҳам 5 граммгача етади. Ҳосилдорлик 5-12 центнерга ошади. Унинг чиғитидан олинган ёғнинг сифати юқори бўлади. Бундай усулда экинчи, парваришланган гўза илдизи яхши ривожланиши натижасида ҳаводаги азотни кўп миқдорда ўшлаштиради. Шунингдек, «Ер малҳами» билан ивителиб, экинган бугдой уруғи ҳатто шўрхок ерда ҳам бехато униб чиқади, «занг» касалига бўйин эмғайди, тулпаш тезлашади, бегона ўтларнинг ривожланишига йўл қўймайди.

Холмурод ҚУРБОНОВ, «Qishloq hayoti» мухбири.

Реклама ва эълонлар

Бухоро Вилояти

САЛОМАТЛИК ҲАФТАЛИГИ

Жондор ва Бухоро туманларида Президентимизнинг 2009 йил 1 июлда қабул қилинган «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чоратадбирлари Дастури тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида тадбирлар ташкил этилди.

Ҳафталик давомида фертил ёшидаги аёллар, болалар ва ўсмир қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантиришга қаратилган тарбиёт-ташвиқот ишлари алоҳида

эътибор қаратилди. Жумладан, Жондор туманида бўлиб ўтган тадбирларда 400 дан ортиқ, Бухоро туманида эса 900 нафарга яқин ёшлар иштирок этишган. Соҳа мутахассислари томонидан

«Соғлом турмуш тамойиллари», «Репродуктив саломатлик», «Тугма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш, уларнинг олдини олиш», «Тиббий кўриқнинг ахамияти» каби мавзуларда қилинган маърузалар тадбир қатнашчиларининг тиббий билим даражасини юксалтиришга хизмат қилди.

Вилоятнинг бошқа туманларида ҳам «Саломатлик ҳафтаси» ўтказилиши режалаштирилган.

Ҳамроз АЛИ, «Qishloq hayoti» мухбири.

Ҳурматли юртдошлар!

«АСАКА» БАНК (ОАЖ)

миллий Валютадаги қуйидаги муддатли омонат турини таклиф этади:

«Янги йил 2013»

Ушбу омонатнинг сақлаш муддати 13 ой бўлиб, ҳисобланган фойзалар олдиндан ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Ушбу омонат турини банкнинг барча филиалларида очиб мумкин.
МУРОЖААТ УЧУН «АСАКА» БАНК (ОАЖ) ФИЛИАЛЛАРИ ТЕЛЕФОНЛАРИ:
120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

- Тошкент шаҳар филиали (371) 120-83-13
- «Автотранспорт» филиали (371) 120-39-95
- Шайхонтоҳур филиали (371) 140-39-36
- Юнусобод филиали (371) 221-80-67
- Сирғали филиали (371) 258-67-49
- Тошкент вилояти филиали (371) 120-84-13
- Андижон вилояти филиали (374) 224-40-96
- Асака филиали (374) 233-13-69
- «Фарҳод» филиали (374) 226-97-53
- Фарғона вилояти филиали (373) 224-70-83
- Марғилон филиали (373) 237-12-37
- Олтинчи филиали (373) 432-10-11
- Қўқон филиали (373) 552-61-04
- Наманган вилояти филиали (369) 226-94-75
- Навоий вилояти филиали (436) 223-54-32
- Зарафшон филиали (436) 573-18-78
- Бухоро вилояти филиали (365) 223-71-94
- Бухоро шаҳри филиали (365) 770-11-27
- Самарқанд вилояти филиали (366) 231-08-86
- «Афросиёб» филиали (366) 221-77-56
- Қашқадарё вилояти филиали (375) 221-12-93
- Сурхондарё вилояти филиали (376) 770-82-12
- Қорақалпоғистон филиали (361) 770-60-59
- Хоразм вилояти филиали (362) 226-97-78
- Сирдарё вилояти филиали (367) 225-44-03
- Жиззах вилояти филиали (372) 226-43-11



«АСАКА» БАНК (ОАЖ) САРМОЯНИНГНИНГ САҚЛАНИШИ ВА КўПайтириши КАФОЛАТЛАЙДИ.

ОМОНАТАЛАРИНГНИЗ ФУҚАРАЛАРИНИГ БАНКАЛАРАГИ ОМОНАТАЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНАДИ.

СИЗНИНГ ОМОНАТАЛАРИНГИЗ:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгалик ва тасаруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чеklangан!

Хизматлар лицензияланган.

“Хақ сўзини элга қилурда адо, тенг кўриниб олдиди شوху гадо”. Мусобақа натижалари.

9 ФЕВРАЛЬ – АЛИШЕР НАВОИЙ ТАВАЛЛУД ТОПГАН КҮН



Алишер Навоий фалсафий дostonи – “Лисон-ут тайр”да: Хожая олиҳ сифоти аржуманд, Шаҳ баҳулҳақ вад-дини Нақшбанд, деб ёзади. Навоий бу мисралари билан “бу олиҳ фазилатли хожая дунёда ҳақиқат ва диннинг ўлчовчисидир”, – деб Баҳовуддин Нақшбандни улуғламақда. “Хамса”даги “Хайрат-ул аброр”да ҳам Нақшбанд мадҳия маҳсус бир фасл бағишлаб, “Хақ сўзини элга қилурда адо, тенг кўриниб олдиди شوху гадо” деб ёзади. Навоий Баҳовуддин Нақшбандни қай ўринда тилга олмасин, ул зотни, яъни ўз таърифидоғи “Фақр йўлида гани, имонга бой” Баҳовуддин Нақшбандни одамзодни тўғри йўлга бошловчи пир билиб, ҳақиқат ва поклик, сабуру қаноат ва маърифатнинг кўзгуси, ориф деб таъриф этади.

Шарҳ ушқусидан ушқомид..

Алишер Навоий Хиротда туриб, Самарқандда ихрожда бўлиб, улуг бобкалонимиз Баҳовуддин Нақшбанднинг таълимотлари, тузилган қишлоқлари ота-боболари, устозлари касбу қорларини ўрганиб, хосиятли умрларига уни татбиқ қилишгача ултурган. “Аларнинг оти Мухаммад ибни Мухаммад Бухорийдур, – деб ёзади Алишер Навоий “Насойим-ул муҳаббат”да – “аларга қабул назари (маънавий устозлик, оталик – И.Ф.) Хожа Мухаммад Бобой Самосийдандур ва одоби тарикат таълими зоҳир юзидин Сайид Амир Кулолдандур, андоқки, дер эмишлар. Аммо ҳақиқат юзидин алар увайсийдурлар ва тарбият хазрати Хожа Абдуллох Гиждувоний рўҳидин топиб-

дурлар”. Ким ўздан олдин яшаб ўтганларнинг рўҳига, таълимотига эргаша, уни “увайсий” дейдилар. Баҳовуддин хазратлари Абдуллох Гиждувонийни (1111-1179) ҳаёт чоғларида кўрмаганлар, лекин ул зоти покнинг руҳи таълимотларига эргашиб, қомилликка эришганлар. Урта Осиё тасаввуф мактабининг асосчиси Юсуф Хамадоний Бухорога келиб, тўрт етук шоғирд тарбия этилади-лар, Хожа Абдуллох Гиждувоний, Хожа Абдуллох Барқий, Хожа Хасан Андоқий (Самарқанднинг Хатирчи туманидаги Андоқ қишлоғидан) ва орифийлар султони Хожа Аҳмад Ясавий. Инглиз олими Ж.С.Тримингэмнинг “Исломда сўфийлик тариқатлари” китобида ёзилишича, Абдуллох Гиждувоний билан Баҳовуддин

Нақшбандни куйидаги ворислик занжирини бирлаштирадиди: Ориф Ривғарий (вафоти 1259), Маҳмуд Анжир Фагнавий (вафоти 1245) Абдуллох Гиждувоний (1111-1179) ҳаёт чоғларида кўрмаганлар, лекин ул зоти покнинг руҳи таълимотларига эргашиб, қомилликка эришганлар. Урта Осиё тасаввуф мактабининг асосчиси Юсуф Хамадоний Бухорога келиб, тўрт етук шоғирд тарбия этилади-лар, Хожа Абдуллох Гиждувоний, Хожа Абдуллох Барқий, Хожа Хасан Андоқий (Самарқанднинг Хатирчи туманидаги Андоқ қишлоғидан) ва орифийлар султони Хожа Аҳмад Ясавий. Инглиз олими Ж.С.Тримингэмнинг “Исломда сўфийлик тариқатлари” китобида ёзилишича, Абдуллох Гиждувоний билан Баҳовуддин

рим анбиёлар тарихи билан тўлдирган. Жомийнинг мазкур асаридега 616 улуг (шундан 582 эркак, 34 аёл) зикр этилган. Навоийнинг 1968 йилда нашр этилган юқоридеги асари қисқартрилиб, босилгани учун ундан 161 зоти шариф ўрин олган. Жумладан, бухоролик Абдуллох Гиждувоний, Хожа Мухаммад Бобой Самосий, Хожа Али Ромитаний, Сайид Амир Кулол, Хожа Мухаммад Порсо, Шайх Сайфиддин Боҳарзийлар ҳақида мухтасар маълумот берилган. Навоийнинг ёзишлари-

топирадидилар: “фарзандим Баҳовуддин ҳақида тарбият ва шафқатни дариғ тутмагайсен ва сенга биҳил қилмагаймэн (кечирмаймен) агар тақсир (камчилик) қилсан”. Сайид Амир Кулол жавобан дедилар: “Эр бўлмагаймэн, агар хожа васиятида тақсир қилсан”. Сайид Амир Кулол (Ромитаний) Сухорий, қишлоғидан – “Ра-шаҳот”) Баҳовуддини устозлари Самосий айтганидек, орифона тарбият қилиб, Самарқандга Қусам Шайх хизматига юборадилар. Баҳовуддин Қусам Шайх хиз-

ишгадур?” деб савол берганлари-да: “Анжуманда хилват: зоҳир юзидин халк била ва ботин тарафидин ҳақ субҳаноҳу ва таоло била” деганлар. Алишер Навоий Баҳовуддин Нақшбандни ана шундай қомилликка эришган зот деб билганлари-чун “Насойим-ул муҳаббат”да битмишлар: “...Ҳазрати Хожа Азизон дер эришларки, ер бу тоифанинг (сўфийларнинг) кўзида бир суфрачадур ва биз дер бизки, тирноқ юзичадир”. Шарият, тариқат, ҳақиқат ва маърифат сирини ўрганган кишигина ер юзининг моҳиятини “тирноқ юзи”да кўриши мумкин. Бу фаҳму фаросат ва билиш, руҳанишнинг олиҳ нуқтасига эришган сўфийгагина насиб қилиши мумкин. Бу бахт Баҳовуддин Нақшбандга насиб этган эди.

Эганларимиз, Баҳовуддин Нақшбанд ва Алишер Навоий муносабатларининг ташқи аломатларигина, ҳолос. Зеро, Алишер Навоий бир газалларида битган эдилар: *Бахтим уйғонмас бу нафҳи сурдек фарёд ила, Менки марғ уйқуси босқонлари дермен уйғотай.*

Яъни: мен Улим уйқусида оғир сукунат босган элмини уйғотиш учун жон тикканман, афсус, тирилишдан мужда берувчи фарёдим билан ўз бахтим (ўзлимни)ни уйғотолмайман.

Илҳом ҒАНИЕВ, Бухоро давлат университети Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси мудири, филология фанлари доктори, профессор.



СПОРТ «ПФЛ Кубоги–2013»: СОВРИН УЧУН ЎНТА ЖАМОА КУРАШМОҚДА

Ўзбекистон Професионал Футбол Лигаси Кубоги мусобақаси ўтказилмоқда. Футбол жамоалари учун асосан давлат тайёргарлик вази-фанининг ўнта жамоа курашмоқда жорий йил 10 та клуб, 2 гуруҳга бўлинган ҳолда иштирок этмоқда.

Мусобақанинг “А” гуруҳидан Зарафшоннинг “Кизилқум”, Тошкентнинг “Локомотив”, “Пахтакор-2”, Гулистоннинг “Гулистон”, Олмаликнинг “Олмалик” жамоалари, “В” гуруҳидан эса Андижоннинг “Андижон”, Муборақнинг “Машъал”, Тошкентнинг “Локомотив-БФК”, Жиззахнинг “Сўғдиёна” ва Тошкентнинг “Бунёдкор” жамоалари жой олган.



Ярим финал ўйинлари 15 февралга белгиланган бўлиб, мусобақа голибинан аниқлаб берадиган финал ўйини 18 февраль кунини ўтказилиши режалаштирилган.

Мусобақанинг очилиш ўйинида “Олмалик” “Локомотив”ни йирик – 4:0 ҳисобида мағлубиятга учратди. Уйин давомида “Олмалик” ҳимоячиси Евгений Гоголь дублга эришди. Биринчи ва иккинчи тур ўрашувларида қуйидаги натижалар кайд этилди:

- “А” гуруҳи “Олмалик” – “Локомотив”. 4:0 “Кизилқум” – “Пахтакор-2”. 1:1 “Пахтакор-2” – “Олмалик”. 2:3 “Локомотив” – “Гулистон”. 1:2 “В” гуруҳи “Бунёдкор” – “Локомотив-БФК”. 5:1 “Андижон” – “Машъал”. 0:2 “Машъал” – “Бунёдкор” ҳамда “Локомотив-БФК” – “Сўғдиёна” ўрашувлари кеча бўлиб ўтган.

БИРИНЧИ УРИНИДА 19 ТА МЕДАЛЬ

Жанубий Корейнинг тоғ чанғиси бўйича курорт шаҳар Пёнчэн-хонда кишик Махсус Олимпиада ўйинлари мусобақаси бўлиб ўтди. Унда 112 мамлакатнинг жами 4000 дан ортқ вакили қатнашди.



Вакилларимиз мусобақада жами 19 та – 4 та олтин, 4 та кумуш, ва 11 та бронза медални қўлга киритишга муваффақ бўлишди. Юртдошларимиз мазкур мусобақада биринчи бор иштирок этганини таъкидлаш лозим. Азиз НУРУЛЛАЕВ

О Эълонлар

БАРЧА ТУРДАГИ КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИККАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ХУЗУРИДАГИ СУФОРИЛАДИГАН ЕРЛАРНИНГ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИНИ ЯХШИЛАШ ЖАМГАРМАСИНИ БОШҚАРИШ ДЕПАРТАМЕНТИ ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Лот 19-5: Лот-1 Қорақалпоғистон Республикаси Шуманай туманидаги “ГЛК” туманлараро коллекторни реконструкция қилиш (III-босқич).

491 сўм, ишларнинг тугаланиши мuddати 9 ой. Диккат! Киймати 500 000 000,0 сўмгача бўлган объектлар бўйича танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади.

Таъмирлаш ва тиклаш ишлари мумкин: Тошкент шаҳри Истиклол кўчаси 29-уй. Тел: 239-15-56.

Лот-2 Навоий вилояти Қизилтепа туманидаги “Узелишнинг” хўжалиқлари аро коллекторни реконструкция қилиш.

Қурилиш ишларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги хузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш жамгармасини бошқариш Департамента.

Бир тўпала танлов ҳужжатларининг нархи 150 000 (бир юз эллик минг) сўм.

Лот-3 Сирдарё вилояти туманларида кузатув қудқларини қуриш (250 дона).

Қурилиш ишларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги хузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш жамгармасини бошқариш Департамента.

Таъмирлаш ва тиклаш ишлари мумкин: Тошкент шаҳри Истиклол кўчаси 29-уй. Тел: 239-15-56.

Лот-4 Фарғона вилояти туманларида кузатув қудқларини қуриш (420 дона).

Қурилиш ишларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги хузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш жамгармасини бошқариш Департамента.

Таъмирлаш ва тиклаш ишлари мумкин: Тошкент шаҳри Истиклол кўчаси 29-уй. Тел: 239-15-56.

Лот-5 Фарғона вилояти туманларида сув ўлчаш иншоотларини қуриш.

Қурилиш ишларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги хузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш жамгармасини бошқариш Департамента.

Таъмирлаш ва тиклаш ишлари мумкин: Тошкент шаҳри Истиклол кўчаси 29-уй. Тел: 239-15-56.

ШУ БИЛАН БИРГА ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТ БЎЙИЧА ТАҚРОРАН ТАНЛОВ САВДОЛАРИНИНГ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Таъмирлаш ва тиклаш ишлари мумкин: Тошкент шаҳри Истиклол кўчаси 29-уй. Тел: 239-15-56.

Таъмирлаш ва тиклаш ишлари мумкин: Тошкент шаҳри Истиклол кўчаси 29-уй. Тел: 239-15-56.

Лот 10-5: Лот-4 Самарқанд вилояти Пахтачи туманидаги “Сувли” хўжалиқлари коллектор тизимида коллектор қуриш.

Қурилиш ишларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги хузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш жамгармасини бошқариш Департамента.

Таъмирлаш ва тиклаш ишлари мумкин: Тошкент шаҳри Истиклол кўчаси 29-уй. Тел: 239-15-56.

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи 337 752 сўм, ишларнинг тугаланиши мuddати 9 ой.

Қурилиш ишларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги хузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш жамгармасини бошқариш Департамента.

Таъмирлаш ва тиклаш ишлари мумкин: Тошкент шаҳри Истиклол кўчаси 29-уй. Тел: 239-15-56.

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи 448 025 128 сўм, ишларнинг тугаланиши мuddати 6 ой.

Қурилиш ишларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги хузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш жамгармасини бошқариш Департамента.

Таъмирлаш ва тиклаш ишлари мумкин: Тошкент шаҳри Истиклол кўчаси 29-уй. Тел: 239-15-56.

ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАР ДИККАТИГА!

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ «АМУ-СУРХОН» ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМЛАРИ ҲАВЗА БОШҚАРМАСИ ҚОШИДАГИ ГИДРОГЕОЛОГИЯ МЕЛИОРАТИВ ЭКСПЕДИЦИЯСИ ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР БЎЙИЧА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТЛАРНИ ТАНЛАШ ЮЗАСИДАН ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Лот 1-1; Сурхондарё вилояти Жаркўрғон туманидаги узунлиги 46,073 км. бўлган “Меҳнат-Роҳат-1” коллекторни тизимли таъмирлаш ва тиклаш.

Таъмирлаш ва тиклаш ишлари мумкин: Тошкент шаҳри Истиклол кўчаси 29-уй. Тел: 239-15-56.

Лот 1-2; Сурхондарё вилояти Деннов туманидаги узунлиги 39,277 км. бўлган “Қорасув” коллекторни тизимли таъмирлаш ва тиклаш.

Таъмирлаш ва тиклаш ишлари мумкин: Тошкент шаҳри Истиклол кўчаси 29-уй. Тел: 239-15-56.

Лот 1-3; Сурхондарё вилояти Кумкўрғон туманидаги узунлиги 39,840 км. бўлган “Маркази ва Галаба” коллекторни тизимли таъмирлаш ва тиклаш.

Таъмирлаш ва тиклаш ишлари мумкин: Тошкент шаҳри Истиклол кўчаси 29-уй. Тел: 239-15-56.

Буюртмачи: Сурхондарё вилояти «Аму-Сурхон» ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги гидрогеология мелiorатив экспедицияси.

Таъмирлаш ва тиклаш ишлари мумкин: Тошкент шаҳри Истиклол кўчаси 29-уй. Тел: 239-15-56.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!

«АМУ-БУХОРО» ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМЛАРИ ҲАВЗА БОШҚАРМАСИ ҚОШИДАГИ ГИДРОГЕОЛОГИЯ МЕЛИОРАТИВ ЭКСПЕДИЦИЯСИ ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР БЎЙИЧА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТЛАРНИ ТАНЛАШ ЮЗАСИДАН ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Лот 3-1. “Бухоро вилояти Гиждувон туманидаги хўжалиқлари “Кутчи-Гиждувон” зовури тизимини таъмирлаш ва тиклаш”.

Таъмирлаш ва тиклаш ишлари мумкин: Тошкент шаҳри Истиклол кўчаси 29-уй. Тел: 239-15-56.

Лот 3-2. “Бухоро вилояти Вобкент туманидаги хўжалиқлари “Рохент” зовури тизимини таъмирлаш ва тиклаш”.

Таъмирлаш ва тиклаш ишлари мумкин: Тошкент шаҳри Истиклол кўчаси 29-уй. Тел: 239-15-56.

Таъмирлаш ва тиклаш ишлари мумкин: Тошкент шаҳри Истиклол кўчаси 29-уй. Тел: 239-15-56.

Таъмирлаш ва тиклаш ишлари мумкин: Тошкент шаҳри Истиклол кўчаси 29-уй. Тел: 239-15-56.

Таъмирлаш ва тиклаш ишлари мумкин: Тошкент шаҳри Истиклол кўчаси 29-уй. Тел: 239-15-56.

Таъмирлаш ва тиклаш ишлари мумкин: Тошкент шаҳри Истиклол кўчаси 29-уй. Тел: 239-15-56.

Молиялаштириш — Молия вазирлиги хузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш жамгармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Таъмирлаш ва тиклаш ишлари мумкин: Тошкент шаҳри Истиклол кўчаси 29-уй. Тел: 239-15-56.

Таъмирлаш ва тиклаш ишлари мумкин: Тошкент шаҳри Истиклол кўчаси 29-уй. Тел: 239-15-56.

Таъмирлаш ва тиклаш ишлари мумкин: Тошкент шаҳри Истиклол кўчаси 29-уй. Тел: 239-15-56.

Таъмирлаш ва тиклаш ишлари мумкин: Тошкент шаҳри Истиклол кўчаси 29-уй. Тел: 239-15-56.

Таъмирлаш ва тиклаш ишлари мумкин: Тошкент шаҳри Истиклол кўчаси 29-уй. Тел: 239-15-56.

Таъмирлаш ва тиклаш ишлари мумкин: Тошкент шаҳри Истиклол кўчаси 29-уй. Тел: 239-15-56.

Таъмирлаш ва тиклаш ишлари мумкин: Тошкент шаҳри Истиклол кўчаси 29-уй. Тел: 239-15-56.

Таъмирлаш ва тиклаш ишлари мумкин: Тошкент шаҳри Истиклол кўчаси 29-уй. Тел: 239-15-56.

Таъмирлаш ва тиклаш ишлари мумкин: Тошкент шаҳри Истиклол кўчаси 29-уй. Тел: 239-15-56.

Таъмирлаш ва тиклаш ишлари мумкин: Тошкент шаҳри Истиклол кўчаси 29-уй. Тел: 239-15-56.

Таъмирлаш ва тиклаш ишлари мумкин: Тошкент шаҳри Истиклол кўчаси 29-уй. Тел: 239-15-56.

Таъмирлаш ва тиклаш ишлари мумкин: Тошкент шаҳри Истиклол кўчаси 29-уй. Тел: 239-15-56.

Таъмирлаш ва тиклаш ишлари мумкин: Тошкент шаҳри Истиклол кўчаси 29-уй. Тел: 239-15-56.

Таъмирлаш ва тиклаш ишлари мумкин: Тошкент шаҳри Истиклол кўчаси 29-уй. Тел: 239-15-56.

Таъмирлаш ва тиклаш ишлари мумкин: Тошкент шаҳри Истиклол кўчаси 29-уй. Тел: 239-15-56.

Таъмирлаш ва тиклаш ишлари мумкин: Тошкент шаҳри Истиклол кўчаси 29-уй. Тел: 239-15-56.

Таъмирлаш ва тиклаш ишлари мумкин: Тошкент шаҳри Истиклол кўчаси 29-уй. Тел: 239-15-56.

Таъмирлаш ва тиклаш ишлари мумкин: Тошкент шаҳри Истиклол кўчаси 29-уй. Тел: 239-15-56.

Таъмирлаш ва тиклаш ишлари мумкин: Тошкент шаҳри Истиклол кўчаси 29-уй. Тел: 239-15-56.

Таъмирлаш ва тиклаш ишлари мумкин: Тошкент шаҳри Истиклол кўчаси 29-уй. Тел: 239-15-56.

Таъмирлаш ва тиклаш ишлари мумкин: Тошкент шаҳри Истиклол кўчаси 29-уй. Тел: 239-15-56.

Таъмирлаш ва тиклаш ишлари мумкин: Тошкент шаҳри Истиклол кўчаси 29-уй. Тел: 239-15-56.

Таъмирлаш ва тиклаш ишлари мумкин: Тошкент шаҳри Истиклол кўчаси 29-уй. Тел: 239-15-56.

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСАЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аграрно-иқтисодий тартиқлаш ҳамда шунга қараган давлат вазирилик ва идоралар.

ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Зафар РЎЗИЕВ, Улуғбек УЗОҚОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Муса АНОРБЕКОВ, Абдуваҳоб ТАМИҚАЕВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир), Омонулло ЮСУФОВ, Абуабдулло ҚОДИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ренат НАЗАРОВ, Шароф ҚУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Қабулхона — 236-58-83, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 233-76-78, Иқтисодий сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-56-30, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-56-21, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқа бўлими — 236-56-25, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

Коракалпоғистон Республикаси — (+99899) 592-62-04; ВИЛОЯТЛАР: Андижон — (+99899) 630-73-03; Бухоро — (+99891) 247-29-59; Жиззах — (+99890) 297-44-09; Навоий — (+99891) 537-14-36; Наманган ва Фарғона — (+99890) 278-95-87; Самарқанд — (+99891) 168-23-95; Сирдарё — (+99894) 168-23-60; Сурхондарё — (+99890) 519-86-50; Тошкент — (+99890) 976-39-58; Хоразм — (+99890) 438-71-25; Қашқадарё — (+99891) 635-08-03.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР — 236-58-83, 233-28-04. Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

Навбатчи муҳаррир: А.НУРУЛЛАЕВ Мусахҳиж: О.ОЧИЛОВ Дизайнер: М.СОҒУМОНОВ